



НУФУЗЛИ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ БИЛАН ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР КЕНГ МИҚЁСДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Жаҳон банки таъсисчи давлатларининг “Швейцария гуруҳи” йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган банкнинг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Антонелла Бассани бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Антонелла Бассани давлатимиз раҳбари-га Жаҳон банки президенти Ажай Банганинг самимий саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Жаҳон банки гуруҳи билан стратегик ҳамкорликни Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган таркибий ислохотларнинг устувор йўналишлари бўйича кенг миқёсда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда ушбу нуфузли халқаро молиявий институт билан икки томонлама алоқалар ва конструктив шериклик мисли кўрилмаган даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил сентябрь ойда Нью-Йорк шаҳрида Жаҳон банки президенти билан эришилган олий даражадаги келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Қўшма лойиҳалар портфели 15 миллиард доллардан ошди. Тошкент шаҳрида Жаҳон банкнинг минтақавий офиси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Молиялаштиришнинг янги механизмлари самарали жорий этилмоқда.

Жорий йилда бўлиб ўтадиган Жаҳон банки олий раҳбариятининг ташрифлари ва қўшма тадбирларга пухта тайёргарлик кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг энг асосий йўналишларини қамраб олувчи янги узоқ муддатли Мамлакат дастурини ишлаб чиқиш режалари қўллаб-қувватланди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қўмаклашиш, камбағалликни

қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш бўйича қўшма дастурларни илгари суриш ҳамда иқтисодиёт тармоқларига сунъий интеллект технологияларини жорий этишда Жаҳон банки гуруҳининг молиявий воситаларидан фойдаланишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Сув ҳўжалиги соҳасини молиялаштириш, инсон капиталини ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга қўмаклашиш масалаларида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам устувор вазифалардан бири сифатида қайд этилди.

ЎЗА

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ БИЛАН ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Халқаро валюта жамғармаси “Швейцария гуруҳи”нинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган жамғарма бошқарувчи директорининг ўринбосари Бо Лини қабул қилди.

Учрашув аввалида Бо Ли давлатимиз раҳбарига Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристалина Георгиеванинг самимий саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Глобал молия бозорларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истикболлари муҳокама қилинди.

Ушбу нуфузли халқаро институт билан амалий ҳамкорликни, энг аввало, ўтган йил сентябрь ойда Нью-Йорк шаҳрида Халқаро валюта жамғармаси раҳбари билан

ўтказилган учрашувда эришилган келишувлар доирасида янада мустаҳкамлашнинг асосий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Юртимизда пул-кредит, валюта ва фискал сиёсатни такомиллаштириш каби йўналишларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда жамғарма муҳим ўрин тутуши қайд этилди.

Макроиқтисодий сиёсат стратегияси ва рақамли тўловлар тизимини ривожлантириш, капитал ҳаракатини либераллаштириш,

миллий статистика методологияси ва давлат даромадларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда эркин валюта айирбошлаш курсини қўллаб-қувватлаш масалаларида экспертлик ва техник қўмакни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз иқтисодий идоралари учун кадрлар тайёрлаш дастурларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев профилактика инспекторлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш, соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш юзасидан тақлифлар тақдироти билан танишди.

Қайд этилганидек, йўл-патруль, патруль-пост ва қўриқлаш хизмати ходимларининг хизмат йўналиши ва ҳудудидан қатъи назар аҳоли муурожаатига тезкор муносабат билдириши жуда муҳим. Жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқбузарлик омиллариин барвақт аниқлаш, уларни бар-тараф этиш ҳамда хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан манзилли ишлаш энг самарали профилактика ҳисобланади.

Шу билан бирга, жиноятчиликни баҳолашда рақамлар ва кўрсаткичларни таққослаш амалиётидан тўлиқ воз кечилмагани кўрсатиб ўтилди. Шу боис, кримноген вазиятни баҳолашда фақат статистик кўрсаткичларга таяниш эмас, балки аҳоли ишончи, ҳуқуқбузарликларнинг қайта содир этилиши, хавф гуруҳидаги шахслар билан ишлаш натижадорлиги асосий мезон бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Тақдиротда жамоат хавфсизлиги бўлинмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари “аҳолига хизмат кўрсатувчи тизим” тамойили асосида белгиланиши тақлиф қилинди. Бош мақсад — аҳолининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлардан розилиги ва ишончига эришишдир.

➤ Давоми 2-бетда



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ГЕНДЕР СТРАТЕГИЯСИ

Янги Ўзбекистондаги изчил ислохотлар марказида инсон кадри турибди. Инсон кадри деганда биз, аввало, жамиятда ҳар бир инсоннинг қобилияти, меҳнати ва имконияти тўлиқ намоён бўлиши учун шароит яратишни тушунамиз. Бу тамойилнинг энг муҳим йўналишларидан бири хотин-қизлар кадр-қимматини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишдир.

➤ Давоми 3-бетда

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ИНТИЛИШ ЮКСАК БАҲОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни таваллуд куни билан самимий қутлаб, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, қардош Туркменистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Ўз навбатида, Халқ Маслаҳати Раиси Ўзбекистон етакчисига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг саломини етказди.

Томонлар стратегик шерикликнинг

бугунги ҳолатини юксак баҳоладилар. Барча даражаларда яқин ва самарали алоқалар давом эттирилмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ўсмоқда, саноат, энергетика, транспорт ва бошқа устувор тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. “Шовот — Тошовуз” савдо зонаси унумли фаолият юритмоқда.

Худудлараро, ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Яқинда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишларининг яқунлари юксак баҳоланди.

Жорий йил октябрь ойда Туркменистонда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг саккизинчи Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш доирасида минтақавий кун тартибини мувофиқлаштириш ва илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

БИРИНЧИ ТУРКОЛОГИЯ ҚУРУЛТОЙИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО КОНГРЕСС ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Хўрматли анжуман иштирокчилари! Аввало, туркий дунёнинг қадимий

ва бой тарихи, илмий ва маданий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этишдек ғоят муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, азизларни бугунги халқаро конгресснинг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бундан бир аср муқаддам, 1926 йилда Боку шаҳрида ўтказилган биринчи Туркология қурултойи туркий халқларнинг илм-фани ва маданий ҳаёти ривожиди янги даврни бошлаб берган катта тарихий воқеа бўлган эди. Мазкур қурултойда 11 нафар таниқли ўзбек зиёлиси иштирок

этганини биз ҳамisha фахр билан эсга оламиз.

Бугун ушбу қутлуг санани халқаро ҳамжамият вакиллари иштирокида кенг нишонлар эканмиз, ушбу анжуман туркий халқларни бирлаштириб турган муштарак қадриятларга юксак ҳўрмат ва эҳтиром ифодасидир.

Ҳеч шубҳасиз, миллий хотирамизда ўчмас из қолдирган ўша тарихий қурултой ҳақида сўз юритганда, туркий дунё жади-ларининг буюк хизматларини яна бир бор эътироф этамиз.

Дарҳақиқат, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида улўғ маърифатпарвар Исмоил Гаспирали “Тилда, фикрда, ишда

бирлик” деган эзгу ғоя асосида бошлаб берган улкан ишлар бутун туркий оламда қудратли миллий уйғониш ҳаракатига айланди.

Мазкур ҳаракат сафларида Ўзбекистондан Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Аллоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдулла Қодирий каби фидойи зиёлилар фаол иштирок этиб, туркий халқлар ўртасида илм-маърифат, таълим-тарбия ва маданий тараққиёт ғояларини кенг ёйишда алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

➤ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг юксак азму шижоати, билим ва салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намоён этиб, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан Янги Ўзбекистон тараққиётига, унинг халқаро нуфузини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, она Ватанимизга меҳри ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик

фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган куйидаги ташаббускор ва етакчи ёшларимиз “Келажак бунёдкори” медали билан мукофотлансин:

Азатова Шахзода Алишер қизи — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиали 4-босқич талабаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Одилжоновна Камола Абдувосит қизи — Андижон давлат педагогика

институтининг 1-босқич докторанти, Андижон вилояти

Бафоев Жаҳонгир Шухрат ўғли — Бухоро шаҳридаги “Bukhara books” хусусий китоб дўконлари тармоғи таъсисчиси, Бухоро вилояти

Жалолова Моҳира Сирождиддин қизи — Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг нейрорхирургия бўлими нейрорехаррохи

➤ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

“МАРД ЎҒЛОН” ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда алоҳида фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва қобилияти, интилувчанлиги, ташаббускорлиги ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада оширишга катта ҳисса қўшаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш

ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигит-

ларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатта мувофиқ маъзуллансин.

➤ Давоми 2-бетда



Ўтган йил охирида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида “Хар йили аҳолимиз ўртача 2 фоиз ўсмоқда, 1 миллиондан зиёд ўғил-қизларимиз катта ҳаётга кириб келмоқда. Ёшларимизга қараб, улар эришаётган ютуқларни кўриб, кўксимиз тоғдек кўтарилди, қандай улкан бунёдкор куч сафимизга қўшилаётганидан ғурурланиб кетамиз”, деган сўзлар нақадар ҳаётини аҳамият касб этганини амалий ислохотлар ва ёшларнинг шижоати ошгани кўрсатиб турибди.



Мирзаюсуф РУСТАМБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат ҳавфсизлиги
университети бошлиғи,
юридик фанлар доктори,
профессор

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида эса ёшларни замонавий касблар ва чет тилларга ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳамда илмий фаолиятини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ишсизликни камайтириш белгилаб берилди. Шунингдек, ёшлар ўртасида АТ соҳаси янада оммалаштириш, хизматлар экспортини ошириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланидиган ёшлар қамровини кенгайтириш бўйича йиллар кесмида аниқ ва стратегик чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилди. Стратегияда кўзда тутилган масалалар ижроси ҳозир амалий босқичда бўлиб, хусусан, АТ хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспортини 5 миллиард долларга етказиш, соҳада 300 минг ёшни банд қилиш ҳамда БМТ-нинг Электрон ҳукуматини ривожлантириш

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси фақатгина давлат тараққиёти дастури эмас, балки миллионлаб ёшларнинг орзу-мақсадларини аниқ манзилга йўналтирувчи “йўл харитаси” дир.



МАМЛАКАТНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ

индексида юртимизни дунёнинг етакчи 30 давлати қаторига киритиш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда стартаплар сони 950 тага етган ва бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 37,5 фоиз ўсish бўлганини аниқлади. Шу билан бирга, венчур фондлар сони 22 тага етиб, экотизим қиймати 4,3 миллиард доллар деб баҳоланаётгани, стартапларга киритилган инвестициялар ҳажми 132 миллион долларни ташкил этаётгани ёшларимизнинг таклиф ва ташаббуслари “қоғоздан бозорга” кўчаётганидан, инвесторлар ишончини қозонаётганидан далолатдир.

Шунингдек, таълим олиш, тил ўрганиш билан боғлиқ масалалар, хусусан, сунъий интеллект орқали замонавий касблар ва фанларни бепул ўргатувчи ёшлар сонини 3 миллион нафарга, интеллектуал ўйинларга жалб қилинган ёшлар қамровини 10 фоизга етказиш, ҳар йили 500 нафаргача истеъодчиларнинг ТОП-300 талик рўйхатга кирадиган нуфузли олий таълим ташкилотларида ўқшини ташкил этиш каби аниқ режалар ижроси ҳам ёшлар учун янги имкониятлар яратди, албатта.

Яна бир муҳим вазифа сифатида “Армия ва ёшлар — бир тану бир жон” тамойили асосида тўғарақлар ва бошқа ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларига жалб этиладиган ёшлар сонини 675 минг нафарга етказиш белгиланган. Бу, шубҳасиз, мамлакатнинг интеллектуал ва маънавий ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ёш авлод қалбига ватанга муҳаббат, миллий ғурур, фидойилик ва масъулият туйғуларини шакллантиради. Энг муҳими, армия ва ёшлар ўртасидаги узвий боғлиқлик мустақамланиб, мулоффа салоҳияти учун муносиб кадрлар захираси яратилади. Ватанпарварлик руҳида тарбияланган ҳар бир ёш янги Ўзбекистоннинг эртанги кунни, тинчлиги ва тараққиётининг ишончли қафолатидир.

Орзулар ва имкониятлар харитаси

Ҳозирги кунда юртимиз аҳолиси 38 миллион нафарни ташкил этаётган бўлса, шундан 9,5 миллиони ёки қарийб 25 фоиз 14-30 ёшдаги йигит-қизлардир. Шу асосда ҳар йили 270 мингта ёш оила шаклланим. Ушбу демографик ўсish ёшлар сисатига узок муддатли ва тизимли ёндашувни талаб этмоқда.

Бундай ёндашув ўз вақтида амалга оширилганда ёшларнинг сифатли таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаши, замонавий меҳнат бозорида муносиб ўрин топишига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш мумкин. Ёшларда ватанпарварлик, ташаббускорлик ва масъулият туйғуларини мустақамлаш мақсадида Президентимизнинг

жорий йил 20 апрелдаги фармони билан “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегияси тасдиқланди.

Ушбу стратегия мамлакатимиз раҳбарининг ёшлар билан доимий мулоқотлари давомида навқирон авлод вакиллари томонидан билдирилган фикр, таклиф ва ташаббуслар асосида шаклланган бўлиб, уларни давлат даражасида тизимли ва манзилли ҳал этишининг стратегик чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Хусусан, стратегияда ҳар йили 600 минг ёшнинг бандлигини таъминлаш, 2030 йилга қадар 900 минг ёшни волонтерликка жалб этиш, ўқув марказлари сонини 90 мингтага етказиш, 450 минг ёшнинг хорижий тиллар бўйича билимини В2 даражасига олиб чиқиш, ёшлар жиноятчилигини камайтириш, ҳар йили камида 10 мингта ёш оилани ипотека орқали қўллаб-қувватлаш каби вазифалар назарда тутилган.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида волонтерлик жағмарасидан 100 миллион сўмгача грантлар ажратиш, фаол ёшларни давлат ташкилотларида пулли амалиётга жалб қилиш, илгор ижодкорлар учун Президент мукофотини, шунингдек, китоб ва book-кафедралар жойлашган “Ёшлар кўчалари”ни ташкил этиш режалаштирилган.

Ёшлар саломатлигини мустақамлаш, руҳий ҳавф омилларини қисқартириш, психологик кўмак тизимини кучайтириш масалалари ҳам стратегияда ўз аксини топган. Хусусан, руҳий ҳавф гуруҳига кирувчи ёшлар улушини 40 фоиз камайтириш, туну кун ишлайдиган психологик алоқа марказини ташкил этиш, спорт билан шуғулланувчи ёшлар улушини 25 фоиз ошириш назарда тутилмоқда.

Аҳамиятли жиҳати, биргина 2026-2027 йилларда 7 та йўналиш бўйича 56 та лойиҳа амалга оширилади. Жумладан, “Янги авлод тадбиркорлар” дастурида Гравард, Стэнфорд, MIT, Лондон бизнес мактаби каби нуфузли таълим муассасалари билан ҳамкорликда 20 минг ёшни ўқитиш, 1 мингта бизнес лойиҳани саралаб олиш ва уларга 3 йилгача муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараваригача сўда бериш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси фақатгина давлат тараққиёти дастури эмас, балки миллионлаб ёшларнинг орзу-мақсадларини аниқ манзилга йўналтирувчи “йўл харитаси” дир.

Олий таълим ва меҳнат бозори: талаб ва таклиф уйғунлиги

Олий таълим соҳасида сўнгги йилларда эришилган ютуқлар миллий тарихимизда мутлақо кузатилмаган бўлиб, бу борадаги сифат кўрсаткичларини ошириш энг долзарб масалалардан. Ёшларнинг олий таълим билан қамров дара-

www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

“spin-off” корхоналарини ташкил этиш орқали “тармоқ — корхона — олий таълим ташкилоти — илмий ташкилот” занжири асосида инновацион маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш назарда тутилган.

ОТМ битирувчилари бандлигини таъминлашда индивидуал ишлаш, иқтисодиёт тармоқларидаги бўш иш ўринларига йўналтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, олийгоҳларда карьера марказлари имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларни иш билан банд қилиш бора-бора олийгоҳларда карьера марказлари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, натижадорлигига қараб рағбатлантириб бориш кўзда тутилмоқда. Марказлар фаолияти “Битирувчи сифати индекси” орқали баҳоланиб, энг юқори натижа кўрсатган 20 та олийгоҳнинг карьера марказига 500 миллион сўмдан ажратилади.

Муҳтасар айтганда, таълим муассасалари меҳнат бозори эҳтиёжларига мос рақобатбардор кадрлар тайёрлаган тақдирдагина битирувчиларнинг бандлиги, иқтисодиёт тармоқларининг самарадорлиги ва мамлакат тараққиёти таъминланади. Зеро, замонавий иқтисодиёт дипломили эмас, балки билимли, амалий кўникмаларга эга ва ўзгарувчан шaroитларга тез мослаша оладиган мутахассисларни талаб қилади.



Матонат мактаби ва имкониятлар майдони

Президентимизнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ ёшлар учун муваффақият йўлига айланиши керак, деган ҳаётий фикрларни бугунги кунда ўз исботини қилишмоқда. Зеро, муддатли ҳарбий хизмат фақат жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик эмас, балки жамиятда мустақам ўрнини топиши учун ёшларни меҳнат бозорига ва мустақил касбга тайёрлаш босқичи сифатида ташкил этилиши зарур аҳамият касб этади.

Имконият ва имтиёзлар хусусида гап кетганда, армияда ёшлар камида битта касб эгаси бўлиб чиқиши бўйича мутлақо янги тизим яратилган. Ҳарбий қисмлардаги асосий йўналиш ва мутахассислардан келиб чиқиб, аскарларни касбга тайёрлаш бўйича 3-6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилган, ҳар йили 5 минг аскар саралаб олин-иб, “Бир миллион дастури” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастурлари доирасида ўқитилиши ҳам илгари кузатилмаган ва аскарларнинг келгуси фаолияти учун муҳимдир.

Уларга муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий қисмининг ўзида олийгоҳга ўқигиша кириш учун имтиҳон топириш имконияти яратилган. Тест синоварларидан муваффақият ўтиб, талабаликка қабул қилинган аскарлар муддатли ҳарбий хизмат якунланиши билан олийгоҳда ўқшини бошлаши эса навбатдаги афзаллиқдир. Бу ёшларнинг меҳнат бозорига тезроқ кириб бориши учун имконият ҳисобланади.

Армиядан қайтиб, олий ўқув юртларида тахсил олмоқчи бўлган ёшларга хорижий тил

ва фан сертификати олиш харажатлари қоплаб берилади. Улар олийгоҳларга контрактга кирса, фойсиз таълим кредити ажратилади, армиядан қайтган, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидидаги ёшларнинг кредит харажатининг 6 фоизи давлат томонидан қопланади. Хусусий секторда фаолият юритмоқчи бўлган ёшларга касбини эгаллаш ва сертификат олиш харажатлари тўлаб берилади. Бу уларга давлат томонидан қаратилаётган эътиборнинг яққол намунасидир.

Шу жиҳатдан муддатли ҳарбий хизмат нафақат юрт ва эл олдидаги муқаддас бурчини адо этиш, балки ёшларнинг жисмоний ва маънавий қамолоти, етакчилик қобилияти ҳамда ҳаётий тажрибасини шакллантирувчи муҳим мактабга айланим.

Қизларимиз муваффақияти — келажак учун пойдевор

Бугун янги Ўзбекистон тараққиёти ҳақида сўз кетганда, илм-фан, таълим, тадбиркорлик, маданият ва спорт соҳаларида юксак натижаларга эришаётган қизларнинг муваффақиятларини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки мамлакатнинг эртанги тараққиёти нафақат замонавий инфратузилма ёки иқтисодий кўрсаткичлар, балки билимли, ташаббускор ва ватанпарвар қизларнинг салоҳияти билан ҳам белгиланади. Жамиятда аёллар ва қизларнинг ўрни қанчалик юксак бўлса, мамлакатнинг тараққиёт салоҳияти ҳам шунчалик кучли ҳамда барқарор бўлади.

Биргина спорт соҳасида 2025 йилда қизларимиз жаҳон ареналарида 167 та олтин, 193 та кумуш ва 243 та бронза медални кўлга киритди. Айланиб келганда олийгоҳларда ўқиган қизларнинг сони 904 минг нафардан ошиб, жами талабаларнинг 54 фоизини ташкил этгани ҳам тарихимизда кузатилмаган нобб ҳодиса. Ушбу кўрсаткич нафақат гендер тенглигини таъминлаш йўлидаги муҳим натижа, балки келажакда иқтисодиёт, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар учун юқори малакали кадрлар салоҳияти шаклланаётганини ҳам аниқлади.

2025 йилда Ўзбекистонлик 60 қизнинг дунёдаги энг нуфузли олийгоҳларга ўқишга киргани, стажёр-тадқиқотчилар ва докторантурада тахсил олаётганларнинг 8,5 минг нафари, яъни 61 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам ислохотлар самарасидир.

Келгусида эса бу борада янада кўпроқ имкониятлар яратилади. Хусусан, янги ўқув йилидан бошлаб эҳтиёжманд оилалардаги аёлларимиз учун давлат гранти квотаси 2 қарра оширилиб, 4 мингтага етказилади. ТОП-300 таламдаги олийгоҳлар билан қўшма таълим асосида магистратура босқичида таълим олаётган талаба қизларнинг контракт пуллари давлат томонидан тўлаб берилади.

Ҳар йили хотин-қизларнинг инновацион гояларини қўллаб-қувватлаш учун камида 10 та йўналиш бўйича стартап таловлар ўтказилиши, бунда ҳар бир йўналишга ғолибига Инновация жағмарасидан 500 миллион сўмгача грант берилиши кўзда тутилаётгани, мактабларнинг 11-синфини битириб, давлат техникумларига кирган қизларни касбга ўқитиш тўлиқ давлат гранти асосида бўлиши ҳам фаровон жамият учун қўйилаётган мустақам пойдевордир.

Президентимиз сергайрат қизларни доимий равишда қўллаб-қувватлаб келаётган. Хусусан, 2026 йилнинг ўзига 166 минг хотин-қиз замонавий касб ва тадбиркорликка, яна 100 минг нафари АТ соҳага ўқитилади.

“Янги Ўзбекистон — ёшлар мамлакатаи” гояси бугун амалий натижалар билан мустақамланиб, ёш авлодининг шахсий муваффақиятлари тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланим. Уларга яратилаётган имкониятлар, таълим, инновация ва тадбиркорлик соҳасидаги ислохотлар уларнинг салоҳиятини тўлиқ намоян этишига хизмат қилиб, шахсий ютуқларини жамият тараққиётига айлантириш учун мустақам пойдевор яратмоқда. Зеро, шахсий муваффақиятлар умумий тараққиёт билан уйғунланиш тақдирдагина мамлакат барқарор ривожланади ва ёшлар давлатнинг энг ишончли таянчи ҳамда асосий драйверига айланади.



Муносабат



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Давлат ёшларга қандай эътибор қаратмоқда?

Бугун ёш авлодга сармоя киритиш икки асосий йўналишда амалга оширилмоқда: иш ўринлари очиш ва таълимни ривожлантириш. Давлат бошлангич тезлаштирувчи вазифасини зиммасига олиб, ўтган авлодлар фақат орзу қилган вазифаларни таклиф этмоқда.

Хусусан, ёшлар орқали инсон капиталини ривожлантириш — алоҳида эътибор

марказида. Билимга интилган йигит-қизлар кучли моддий қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, давлатимиз халқаро чет тилини билиш имтиҳонлари (IELTS, TOEFL) харажатиини қоплайди, эҳтиёжманд оила фарзанди бўлган талабалар учун олий таълим муассасаларида контракт нархининг ярмигача бўлган қисмини тўлайди. Шунингдек, АТга ўқитиш харажатиини қоплашни зиммасига олади.

Шу билан бирга, ёшлар учун ўзини ўзи банд қилиш вазифалари кўламини кенгайтирилмоқда. Хусусан, “Ёшлар дафтери” тизими ва маҳалладаги ёшлар етакчилари институти орқали мингтаб йигит-қизларга зарур ускуналар, тикув машиналари, компьютер сотиб олиши ва ҳатто деҳқон хўжалиги юртилиши учун субсидия беришмоқда.

“Ёшлар бизнеси” дастури эса 2026 йилнинг муҳим янгиллиги бўлди. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 1 июндаги қарори ушбу сисётанинги янги ва энг кўп муҳокама қилинган масаланинг тасдиғига айланди. Хўжжатга кўра, 31 ёшгача бўлган фуқаролар учун махсус кредитлаш дастури ишга туширилди.

Бу шунчаки мавҳум пул эмас, балки муайян шартлар билан 7 йилгача муддатга 100 миллион сўмгача бўлган манзилли микроолияштириш

имкониятидир: асосий қарз бўйича имтиёзли давр 1 йилгача. Бундан ташқари, чет тиллар, рақамли технологияларни ўрганиш ва замонавий касбларни эгаллаш учун 20 миллион сўмгача, СММ, мобилография, фриланс, онлайн дўконлар ва ўзини



ўзи банд қилиш соҳасидаги стартаплар учун 50 миллион сўмгача молиявий кўмак берилади.

Касаначилик, тўқимачилик ишлаб чиқариши ва маҳсулотларни қайта ишлашни ривожлантириш ҳам эътибордан четда қолмаган. Бу соҳаларда иш бошлаш учун 50 миллион сўмгача қарз олиш мумкин. Кичик новвойхоналар ва қандолатчилик ишлаб чиқаришини очиш учун эса 100 миллион сўмгача берилади.

Ушбу қарор бўйича қўллаб-қувватловнинг аҳамияти шунданки, у бошлангич тўсиқларни бартараф этади: гаров, тажриба ва бошлангич капиталнинг йўқлиги энди муаммо эмас. Давлат илк маротаба молиявий воситаларни ёшларнинг замонавий турмуш тарзига ҳар томонлама мослаштиради.

Қолаверса, ушбу қарор замонавий рақамли мутахассисликларни тан олади ва қўллаб-қувватлайди. Давлат аънавий банклар илгари “хавфли” ва “жиддий бўлмаган” деб ҳисоблаган соҳаларга пул ажратмоқда. Фриланс ва ма-софавий иш, СММ ва мобилография (контентни суратга олиш) интернет-дўконларни ишга тушириш шулар жумласидан.

Давлат аънавий банклар илгари “хавфли” ва “жиддий бўлмаган” деб ҳисоблаган соҳаларга пул ажратмоқда. Фриланс ва ма-софавий иш, СММ ва мобилография (контентни суратга олиш) интернет-дўконларни ишга тушириш шулар жумласидан.

Молиявий кўмак — совға эмас, восита

Янги имкониятлар ҳар доим жамиятда қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Жамоатчилик фикри иккига бўлинди: кимдир буни “оёққа туриш” имконияти деб билса, кимдир ҳар қандай қарз мажбуриятларига шубҳа билан қарайди. Ҳақиқат эса ҳар доимгидек ўртада жойлашган. Шуну тушуниш муҳими, агар одамнинг аниқ режаси, ишбилармонлик туйғуси ва интизоми бўлмаса, иш қарз билан ҳам, қарзсиз ҳам барбод бўлиши мумкин. Аксинча, тадбирли инсон лойиҳани ишга солиб, ажратилган миллионларни, банк олдид мажбуриятга бўлса-да, ишайётган активга айлантира олади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарориди яна бир банд бор. Унга кўра, битирувчи курс талабаларининг бандлигини таъминлашга қаратилган “Менинг биринчи касбим” дастури ижроси учун бегараз асосда 15 миллион АҚШ долларини қийматида маблағ ажратилади. Қарорнинг ушбу банди принципал жиҳатдан янги давлат дастури — “Менинг биринчи касбим” ни жорий этишга хизмат қилади. 15 миллион доллар миқдоридида бегараз маблағнинг ажратилиши битирувчи талабаларнинг “Агар ҳамма жойда иш тажрибаси талаб қилинса, қандай қилиб иш топиш мумкин?” деган энг огриқли муаммосини ҳал қилишга қаратилган.

Бунда 15 миллион АҚШ долларини (эквивалентда) давлат томонидан бегараз асосда ажратилади. Ушбу маблағни қайтариш шарт эмас, у кредитга эмас, балки грант ва мақсадли субсидия сифатида берилади. Маблағ фақат “Менинг биринчи касбим” дастурини молиялаштиришга йўналтирилади.

Шунингдек, иш бериувчиларни рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган: давлат ушбу маблағдан битирувчи курс талабаларини ишга оладиган компанияларни субсидиялаш учун фойдаланади. Иш бериувчилар бунинг воситасида талабага иш ҳақи тўлаш, унинг амалиёт ўташ ёки дастлабки ойларида иш жойида таълим олиш харажатиини қоплаши мумкин. Қолаверса, диплом олгунга қадар бандлик қафолатланади: битирувчи курс талабалари расман ишга жойлашши ва меҳнат бозорига мослашиш имкониятига эга бўлади.

Президентимизнинг ушбу қарори ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилишга алоҳида уруғ берилган. Бу кредитдан мақсадли фойдаланиш шаффофлигини таъминлаш, қў-шиб ёзини бартараф этиш ва ҳақиқий бандлиқни СТИР/ЖШШИР орқали реал вақт режимида кузатиш имконини беради.

Умуман, асосий хулоса шуки, ҳар қандай молиявий кўмак уни олувчидан масъулият талаб қилади. Уни фақат пухта ҳисоб-китоб қилинган, инсонни зарарга олиб бормайдиган режа бўлгандагина олиш мумкин. Ёшлар кунни азму шижоатли йигитлар ва қизлар учун эшиклар очиб, воситалар мавжуд эканини эслатиб туради. Аммо бу имкониятлардан қандай фойдаланиш, қандай сарфлаш, замонавий тартибни ишга тушириш ёки имкониятини бой бериш фақат ёшларнинг ўзига боғлиқ. Келажак алақачон келди. Фақат уни соғлом фикр ва аниқ режа билан куриш керак.

НИЯТИ ЁРУҒНИНГ ЙЎЛИ ҲАМ ЁРУҒ

Юртимизда кейинги йилларда ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Қўмакка муҳтож ёшлар билан ишлаш, бандлигини таъминлаш, хорижий тиллар ва касб-хунарга ўргатиш, мутолаа маданиятини юксалтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида қилинаётган ишлар навқирон авлод вакилларининг билимли, ташаббускор ва эл-юрт қорига ярайдиган асл фарзандлар бўлиб камол топиши йўлидаги эзгу ҳаракатлардир.

Бугунги кунда республикаимиз бўйича барча маҳаллаларда ёшлар етакчиси тизими жорий этилди. Дунёда ўхшаши бўлмаган бу тизим орқали юзлаб, минглаб ёшларнинг билим олиши таъминланаяпти, кўпчилиги тадбиркорлиқни йўлга қўйди, бандлиги таъминланган ёшлар бугун ҳеч кимнинг қўмағига эҳтиёж сезмаяпти.

Инсон капиталига сармоя киритиш, фарзандларимизни эртанги кунимизнинг суянчи ва таянчи бўла оладиган инсонлар сифатида камол топтиришига қаратилётган эътибор самарасини бугун турли минтақавий ва халқаро олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаб, юртимиз шаънини кўтарётган иқтидорли ўғил-қизлар мисолида кўриш мумкин. Иқтидорли ўқувчиларимиз нуфузли фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та қумуш, 221 та бронза медалга олгани инсон капиталига сармоя киритиш, фарзандларимизни эртанги кунимизнинг суянчи ва таянчи бўла оладиган инсонлар сифатида камол топтиришига қаратилётган эътибор самарасидир.



Дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олаётган ёшларимиз 500 нафардан, энг яхши 100 талик университетларда ўқийётган ўғил-қизларимиз 3,5 минг нафардан ошгани ҳам навқирон авлод вакилларининг жаҳон андозалари даражасида таълим олишига қаратилган эътибордан далолат беради.

Бугун ёш тадбиркорларимиз юртимиздаги бизнес вакилларининг 35 фоизини ташкил этмоқда. Тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредит ажратилмоқда. Бу нафақат ёшларнинг иқтисодий фаоллигини оширади, балки мамлакат тараққиётига ҳам ҳисса қўшади.

Китоб мутолааси инсоннинг шахсий қамолоти, касбий муваффақияти ва жамият тараққиёти учун муҳим омил саналади. “Ёш китобхон” танловига 5 миллион ёш қамраб

олиниб, ғолибларга автомобиль, совриндорларга эса пул мукофотлари берилди.

“Ёшлар учун 1000 китоб” лойиҳаси доирасида сараланган 113 та китобдан 87 тасига таржима ҳуқуқи олинди. Шундан 47 номдаги китоб 140 минг нусхада чоп этилиб, китобхонларга етказилди.

Мақтаб ўқувчилари учун мукофот жамғармаси 240 минг доллар бўлган Миллий китобхонлик ҳаракатига старт берилди. Бугунги ишчил ислохотлар, яратилган имконият ва шарт-шароитлар туфайли ёшларимиз жаҳон андозалари даражасида билим олмоқда, турли жабҳаларда меҳнат қилиб, жамиятнинг фаол, ташаббускор ва илгор кишисига айланган. Уларнинг гайрат-шижоати, ақлу заковати дунёга намуна бўлгулик.

КЕЙИНГИ “ЮНИКОРН” КОМПАНИЯЛАРДАН БИРИ ЎЗБЕКИСТОНДАН ЧИҚАДИ

Сардор ДАВЛАТОВ,
“NavAI” стартапи асосчиси:
— Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшлар ва инновацияларга муносабат тубдан ўзгарди. Бугун ғояси бор ёшлар учун нафақат молиявий, балки таълим, менторлик ва халқаро имкониятлар ҳам яратилмоқда.

President Tech Award каби ташаббуслар орқали стартаплар қўллаб-қувватланаяпти, халқаро акселерация ва дастурларда иштирок этиш имконияти пайдо бўлди. Бу эса ёшларда “Мен ҳам дунё миқёсида маҳсулот ярато оламан” деган ишончни шакллантиради. Энг муҳими, энди ёшлар хато қилишдан қўрқмайдиган муҳит шаклланимоқда, инновация эса айнан шундай эркинликдан туғилади. Менимча, энг катта ўзгариш ёшларга энди фақат иш изловчи эмас, балки иш ўринлари яратуви инсон сифатида қаралаётганидир.



NavAI — сунъий интеллект асосида ишловчи овозли агентлар платформаси. Олдин қилиб айтганда, инсон ўрнига қўнғирокларга жавоб қайтарадиган, маълумот берадиган ва турли жараёнларни автоматлаштирадиган СИ ходимлар яратамиз.

Бу ғоя бутунлай тасодифан туғилган. Бир кун дўстимга АҚШда — йўл ҳаракати идораси учун навбат банд қилишда ёрдам бераётганимди. Қўнғироқ қилдим, нариги томондаги “ходим” барча маълумотларини олиб, навбатни расмийлаштирди — мен уни жонли одам деб ўйлагандим. Суҳбат охирида у ўзининг сунъий интеллект эканини айтиб, қўнғирокни баҳолашимни сўради. Мен ҳайратда қолдим ва ўйладим: бу нега ўзбек тилида ишламаслиги керак?

Қўллаб-ташкilotларда одамлар бир хил саволларга қайта-қайта жавоб беради, колл-марказлар катта харажат талаб қилади, линиялар банд бўлади ва кечаси ёки дам олиш кунлари ҳеч ким жавоб бермайди. Натижада фуқаро хизматдан узилиб қолади. Шу билан бирга, дунёдаги замонавий Voice СИ технологиялари асосан инглиз тили учун яратилган — ўзбек ва Марказий Осиё тиллари деярли қамраб олинмаган. Биз айнан шу бўшлиқни тўлдиршни мақсад қилдик.

Бугунги кунга қадар платформамиз орқали 51 мингдан ортиқ қўнғирок қайта ишланган, уларнинг ҳал этилган. Демак, биз танлаган йўл ишляпти.

Мен учун энг катта натижа бирор мукофот эмас, балки маҳсулотимиз реал ҳаётда инсонга хизмат қилаётганидир. Биз фахрланса арзийдиган бир неча босқични босиб ўтдик.

NavAI стартапи President Tech Award'нинг сунъий интеллект йўналиши бўйича ғолиб бўлди ва 50 минг АҚШ доллари миқдоридagi грантга сазовор бўлди. Яқинда эса биз Yoshlar Venturesдан 80 минг АҚШ доллари инвестиция жалб қилдик. Бундан ташқари, GSMA M360 Eurasia халқаро танловига 1-ўринни эгаллаб, 2027 йилги MWC Barcelona кўргазмасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдик, Web Summit Qatarg конференциясида қатнашдик ва ElevenLabs каби жаҳоннинг етакчи СИ компаниялари билан мулоқот қилдик.

Лекин энг катта ютуқ давлат ташкилотиди Voice Agent'имизни ишга туширганимиз ва минглаб фуқаролар ундан айнан ўз она тилида фойдаланаётганини кўришди. Айнан шу биз танлаган йўл тўғри эканини исботлади.

Ўзимизни фақат Ўзбекистон стартапи сифатида эмас, балки бутун Марказий Осиё учун Voice СИ инфратузилмасини яратаетган компания сифатида кўраимиз.

Яқин йилларда Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон бозорларига чиқишни режалаштирганимиз. Ҳозир, асосан, йирик корхоналар билан ишляпмиз, келажақда эса кичик ва ўрта бизнес ҳам технологиямиздан фойдалана олиши учун ечим ишлаб чиқмоқчимиз. Кейинги мақсадимиз эса паст ресурсли тиллар учун дунёдаги етакчи Voice СИ компанияларидан бирига айланиши.

Биз нафақат технология яратишни, балки Ўзбекистондан глобал технология компаниялар чиқиши мумкинлигини бутун дунёга кўрсатишни истаймиз. Ишонаманки, кейинги “юникорн” компаниялардан бири айнан Ўзбекистондан чиқади ва биз шу йўлда ҳаракат қилапмиз.

ЭЪТИРОФДАН КЎНГЛИМ ТОҒДЕК ЮКСАЛДИ

Қобилжон ШЕРМАТОВ,
болалар ёзувчиси, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби:
— Ёш қаламқаш сифатида бугунги кунда навқирон авлод вакиллари берилаётган имкониятлардан руҳланаман. Мамлакатимизда таълим, илм-фан, адабиёт ва маданият соҳаларига қаратилётган эътибор биз ёшларнинг орзу-мақсадларимизга эришни, ижод қилишимизга катта турки бўлмоқда.

Киши мақсади сари йўлга чиқар экан, бу сафарини қандай якун топиши сўзсиз “сафар” ағасининг ниятига боғлиқ. Ҳа, агар у бу сафардан енгил-елпи хоҳишларни ният қилган бўлса, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Борди-ю, олий ният билан қадам босган бўлса, унда бу сафар нафақат ўзи, балки бошқалар учун ҳам бирдай манfaatли бўлади.

Мен бу қоида адабиёт оламида ҳам нечоғлиқ ҳақ эканига гувоҳ бўлганман. Адабиётнинг чинорлари дея эътироф этиладиган устоз адибларга яқин юриб билимки, уларнинг елкасига ортган юкларни ҳам жуда катта. Бунинг акси ўлароқ, майдонда на ўрни на сўзини топа олган ижодкорнинг шу жиҳатига назар ташласам, унинг нияти ҳам қанчалар майда эканини кўрганман. Шунинг учун, аввало, ўзимни, қолаверса, адабиёт оламига қадам қўяётган қалам аҳлини ниятни пок қилишга қақариб қоламан.

Қўлимга қалам олдимми, худди бутун дунё болаларига сўз айтаётгандек, оқ ва қорани танитаётгандек сезаман ўзимни. Агар қайсидир боланинг табиатида бирор камчиликни кўрсам, негадир ўзимни айбдор ҳис қиламан. “Қандайдир китоб ёзсам бўларди-ю”, дейман ўзимга ўзим.

Шу кунга қадар “Балки Мош ҳам туш кўрар”, “Қишлоққоним”, “Бир қулоқни қўзичоқ”, “Бувамнинг ошқозонидаги мамлакат-1”, “Ўткиржоннинг ўнгла ўрдақ укаси”, “Толқонботир”, Улугбек Попкорни сайёрасида,



“Бувамнинг ошқозонидаги мамлакат-2”, “Қилчиси галаба”, “Улугбек ва дўстлари кийик овида” асарларим чоп этилди.

“Бувамнинг ошқозонидаги мамлакат” асарим “Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” дея эътироф этилди. Учинчи синфлар учун мактаб дарслигига киритилди. “Ёш китобхон” танловининг 10-14 ёш тоифасида ўқилиши шарт бўлган асарлар рўйхатидан жой олди. Қолаверса, 2022 йилда “Болалар ва ўсмирларга бағишланган энг яхши китоб” танловига ғолиб деб топилди. 2025 йилда эса Халқаро болалар адабиёти кенгашининг Honouir List фахрий рўйхатига киритилган Марказий Осиё тарихидаги илк бадий асар бўлди.

Ўтган йили “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирландим. Президентимиз мукофотини кўксимга қадар экан “Қобилжон, мен сизнинг катта-катта ютуқларига эришганингизни кўрдим, келажақда сизга бундан ҳам катта давлат мукофотларини топишари насиб қилсин”, дея бир оддий қаламқашнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.

ҲАҚИҚИЙ КЎМАКЧИ

Дилбар ҲАЙДАРОВА,
“Қўмак” лойиҳаси раҳбари:

— Бугун ёшларга қаратилётган эътиборни ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз. Таълим олиш, замонавий касб-хунарга эгаллаш, тадбиркорлик билан шугулланишимиз учун яратилган имконият ва имтиёзлар бизга катта ишонч бағишлайди. Ёшларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада оширмоқда. Биргина мисол, “Қўмак” лойиҳаси жаҳид болаларимиз бошлаб берган йўлнинг давоми ўлароқ, бугун мустакил Ўзбекистоннинг минглаб ёшларига илм олиши учун ҳақиқий кўмакчи бўлмоқда.



Лойиҳа, энг аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини яратиш борасидаги ислохотлар маҳсули, десак хато бўлмайди.

“Қўмак” дастури доирасида 130 миллион сўмгача фойсиз ссуда ажратиш имконияти йўлга қўйилиши натижасида олис ва чекка ҳудудларда қисқа муддатда 500 га яқин хорижий тил ўқув маркази фаолият бошлади. Бу ёшлар учун янги билим ва касб имкониятлари эшигини очди.

“Қўмак” лойиҳаси иштирокчилари учун ижобий имкониятлар янада кўпаймоқда. Жумладан, лойиҳа доирасида муваффақиятли фаолият юритаётган ёш тадбиркорлар учун 300 миллион сўмгача фойсиз ссуда ажратиш тизими жорий этилиши уларнинг бизнеси қўламини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Олис ҳудудлардаги ўқув марказлари учун солиқ имтиёзлари қўлланилиб, ижтимоий солиқ 1 фоиз, ўқитувчилар учун даромад солиғи 7,5 фоиз этиб белгиланиши соҳадаги хусусий ташаббусларни янада ривожлантиришга кучли туртки бўлмоқда.

Ёшлар ишлари агентлигига хусусий ўқув марказлари билан ҳамкорликда йилга 20 минг ёшни келажак касбларига ўқитиш вазифаси юклатилгани тизимли ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Биз “Қўмак” лойиҳаси доирасида ушбу ислохотларни амалий қўллаб-қувватлаб, ёшларни замонавий касбларга тайёрлаш, бизнес бошлаш ва иқтисодий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган янги лойиҳаларни кенгайтириш устида ишлашда давом этамиз.

Давлатимиз бераётган бу имкониятлар ёшлар учун нафақат моддий қўллаб-қувватлаш, балки катта ишонч ва масъулият мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

БАРҚАРОР ЭКОЛОГИЯ – САЛОМАТЛИК, ТИНЧЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ДЕМАК

Лобархон ЖАЛОЛОВА,

Халқаро ёшлар экологик қўмитаси раиси:

— Бугунги шиддатли ва тезкор бир даврда ёшлардан ҳар соҳада фаол бўлиш, серкира ва янгиликка интилиш талаб қилинади. Бу эътибор ва ғамхўрлик уларни янги марралар сари ундаб, орзуларига қаноат бағишламоқда. Эришган муваффақиятларим бунга яққол мисол бўла олади.

Президентимизнинг китобхонликка қаҳриқларни мени ҳам руҳлантирмай қолмади. Мумтоз адабиётга қизиқишим туфайли Алишер Навоий ижодини ўргандим ва муваффақиятнинг 300 га яқин ғазалини ёд олдим. Ўзлаштирган билим ва кўникмаларим зое кетмади. “Навоийлик ёш навоий-хонлар” танловига ғолиб бўлдим ва Президентимиз совғаси — автомобил билан тақдирландим. Тентдошларим тақдирига ҳам бефарқ эмасман, албатта. Жамиятда ўз ўрним бўлиши, ёшларни эзгу мақсад сари етаклашни хоҳлайман. Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги тизимидаги сардорлик ва волонтерлик ҳаракати менга катта мактаб бўлди. Тизимда ёшлар билан ишлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, маданий ва таълимий лойиҳалар орқали янги имконият ва имтиёزلардан хабардор қилишга интилдим. Фаоллигим туфайли олий таълим муассасасига муддатидан олдин грант асосида талабалikka тавсия этилдим. Талабалик йиллари ўз устимда ишладим, инглиз тилини ўргандим ва бир қатор танловларда, жумладан, “Йил талабаси”, “Мунозара” интеллектуал турнирларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритдим, Навоий номидаги давлат стипендиасига лойик кўрилдим. 2023 йилда Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби бўлдим. Таълимнинг кейинги босқичи, яъни магистратура Янги Ўзбекистон университетига давом эттирдим ва хорижий стандартлар асосида сифатли таълим олдим.

Айни дамда Халқаро ёшлар экологик қўмитасига раислик қилмоқдаман. Иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб, геосийсий кескинлик кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Иқлим таҳдидларига қарши курашишда халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш



муҳим. Марказий Осиё ҳамда туркий давлатлар ёшлари томонидан экологик масалаларда навқирон авлоднинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қатор тавсиялар ишлаб чиқилган. Халқаро ёшлар экологик қўмитасининг асосий мақсади эса экологик масалаларда ёшларнинг самарали минтақавий ҳамкорлигини ривожлантириш, ахборот алмашиш ва биргаликда лойиҳалар ташкил этишдан иборат. Ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларда замонавий билим, инновациялар ва рақамли технологияларни қўллаш орқали экологик муаммоларга самарали ечимлар тақлиф этиляпти. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, чўлланишига қарши курашиш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш борасидаги қўшма ташаббуслар барқарор тараққиётга хизмат қилади. Ёшларни барқарор тараққиётга хизмат қиладиган авлод ўртасидаги дўстлик, ҳамжihatлик ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлайдиган муҳим воситадир.

университетларида таълим олишимиз учун ҳам имконият берилди. 2025 йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиаси совриндори бўлиб, ҳозир дунёнинг энг яхши 100 талikka қирган университетларидан бири бўлган АҚШнинг Бостон университетидида ҳуқуқ соҳасида магистратурада таҳсил олмоқдаман.

АҚШда таълим олиш жараёнида шу мамлакатнинг адвокатлари, низоларни судга қадар муқобил ҳал этиш, медиация соҳасидаги тажрибаси, халқаро низолар ва хорижий давлатлар иштирокидаги муносабатларда ҳуқуқшунос иштирокининг кўникмалари, халқаро шартномалар ва тижорат ҳуқуқига оид билимларни тажрибали ҳуқуқшунос профессорлардан ўрганмоқдаман.

Ўқиниш муваффақиятли тамомлаб, ватанимга қайтган, Ўзбекистонда адвокатура ва низоларни муқобил ҳал этиш, халқаро муносабатлар, шартномалар ҳамда тижорат ҳуқуқи соҳаларини ривожлантиришда ўз ташаббусим билан фаол иштирок этишни мақсад қилганман.

ИМКОНИАТ ВА ИШОНЧНИ ҲИС ҚИЛИБ ЯШАЙМАН

Ёқутхон ЮСУПОВА,

“Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендианти, АҚШнинг Бостон университети магистратураи талабаси:

— 2017 йил Тошкент давлат юридик университетини тамомлаб, шу йилнинг ўзидаёқ Адлия вазирлигига ишга қабул қилиндим. Эндигина ўқини битирган, ишлаш борасида ҳеч қандай тажрибаси йўқ ёш кадр учун тўғридан тўғри вазирликда иш бошлаш катта имконият ва ишонч эди. Вазирликдаги меҳнат фаолиятим давомида энг тажрибали устозларимдан ишлаш ва қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, уларни амалиётга таъбиқ этиш кўникмаларини ўргандим. Ёш кадр бўлишимга қарамай, менга қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш, хорижий давлатларда хизмат сафарларида бўлиб, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ўз тақлифларини билдириш имконияти берилди. Натижада нотариат, адвокатура

ва медиация соҳаларида йигирмадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этдим.

Фаолиятим давомида адвокатура соҳасини рақамлаштириш ташаббусларини илгари суриб, “Юридик ёрдам” ахборот тизими ишга туширилишида ўз ҳиссамни қўшдим.

Бундан ташқари, менга вазирлик томонидан Адлия вазирлиги БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ташкил этилган бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган нодавлат-нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган танловларни ташкил қилиш, Адвокатлар палатасининг Олий малака комиссияси аъзоси сифатида фаолият юритиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатда қонун лойиҳалари ҳимоясида иштирок этиш каби имкониятлар берилди.

Севибли касбимда ишлаб, халқаро конференцияларда иштирок этиш, хорижий



тиллари ўрганиш каби имкониятлардан фойдаландим.

Биз ёшларга ҳозир нафақат ўз карьерамизни қуриш, балки хорижий нуфузли

“Темур тузуклари” — миллий давлатчилигимиз дастури



БЕБАҲО ВА ЭСКИРМАС ДАСТУРУЛАМА

Амир Темурнинг илм-фан ҳақидаги қарашлари

Ҳар мамлакатта шайхулисом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундасин.

Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим.

Кимки Муҳаммад динини қўллаб-қувватласа, сен ҳам уни қўлагил, кимки, Муҳаммад динини хор қилса, сен ҳам уни хор тутгил.

Ҳеч кимдан ўч олиш пайда бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузук қўрқоқларни мажлисидан қувиб юбордим.

Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узокроқ яшайди.

Билаги зўр — бирни йиқар, билими зўр — мингни. Сўзлагувчи гар нодон эрур, тинглагувчи доно ўлсин.

Азиз авлиёлар, саҳобалар макбараларини, қутлуг қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб, зиёратни ўринлатдим. Аркону давлат, барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай тавоф этмоқни одат билишди.

Пиру комил шайх Баҳоуддин Нақшбандийнинг “Кам егин,

Бўрибой Аҳмедовнинг “Амир Темур ўғитлари” китобидан.

“Оқ кема”да хат келди

“Бу — Иссиқкўл. У ерда сув билан осмон бир-бирига туташиб турарди. Ундан нарида ҳеч нима йўқ. Қўл ҳаракатсиз, шуъладор, кимсасиз. Фақат қирғоққа урилаётган тўлқинларнинг оппоқ кўпинини аранг илғаб олиш мумкин,” деб ёзади Чингиз Айтматов “Оқ кема” асарида.

Ўқувчилик йилларим “Оқ кема”ни негадир қайта-қайта ўқирдим. Шу номдаги машҳур бадиий фильми ҳам телевизордан берилганда ҳар сафар қолдирмасдан кўриб борардим. Ўзимча уларни таққослаган, таҳлил қилган бўлардим.



Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Мен Чингиз Айтматов асарларида тасвирланган бадиий олам шайдоси эдим. Табиийки, бу оламдан топганларим — Жамил, Саиджон, Дониёр, Илёс, Асал, Мўмин чол, унинг балиқча айланган набираси... Танабой, унинг оти — Гўлсари каби қаҳрамонларгина эмас, кенг бўғдойорлар, дашту яйловлар, тоғу тошлар, ўру қирлар, гулу гиёҳлар ва яна афсонавий Иссиқкўл... барча-барчаси мен учун гўяда қадрли эди. Бугун эса, мана, Иссиқкўлдаман!..

Чингиз Айтматов номидаги Иссиқкўл халқроқ форумининг 40 йиллик юбилей анжуманига таклиф хати келди. Худдики, менга бу хатни оқ кема етказди. Тўғри, мен Қирғизистонга — Бишкекка хизмат юзасидан уч-тўрт маротаба борганман. Иссиқкўлга эса йўлим тушмаган эди. Шунинг учун бўлса керак, таклиф хати олганимда ёш боладай хурсанд бўлиб кетганимни айтмайсизми...

Соат кечки бешлар чамаси Манас халқроқ аэропортига қўндик. Бизни кутиб олган йигит ўзини Мирсаид деб таништирди ва дарҳол шаҳар марказидаги меҳмонхона томон машинани елдириб кетди. Уни қарангки, меҳмонхона номи “Оқ кема” экан. Бир қарашда кемани эсла-тиб юборадиган бинодаги ўзимизга ажратилган хоналарга жойлашдик.

“Ота бейит” — муқаддас зиёратгоҳ

Эрталаб хориждан келган меҳмонлар, қирғиз адиблари ҳам бўлиб, автоуловларга ўтириб, Чингиз Айтматов қабрини зиёрат қилиш учун “Ота бейит” зиёратгоҳига йўл олдик. “Ота бейит” миллий тарихий-мемориал мажмуаси — қирғиз халқи тарихининг энг фожияли саҳифаларини ўзида жамлаган зиёратгоҳ. Махмуа Бишкек шаҳридан 30 қақиримча жанубда, Олатов этагиде жойлашган. Халқ хотираси, миллий ўзликини англаш ва ўтмиш қурбонларига бўлган чексиз ҳурматнинг рамзи ҳисобланмиш “Ота бейит” сўзи “оталар қабри” маъносини англатади.

Махмуа ҳодимининг ҳикоя қилишича, ушбу зиёратгоҳнинг ташкил топиши XX асрнинг энг муҳим сирларидан бири очилиши билан боғлиқ. 1938 йилнинг ноябрь ойида собиқ Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) томонидан 137 нафар фидойи фарзандлари отиб ташланган. Жасадлар эса Чонтош қишлоғидаги гишт заводиданги эски хумига ташланиб, туپроқ билан қўмиб юборилган. Мустабид тузум бу жиноятни сир сақлашга уринган. Аммо бир қизалоқ бу кўркунчли воқеаларни кўриб қолган. Унинг бу муҳим ҳодисаларга гувоҳ бўлганини отасидан бошқа ҳеч ким билмаган.

Бу сир орадан 53 йил ўтиб, 1991 йилда ошкор бўлди. Уша машҳур воқеалар гувоҳи бўлган Бўбуйра Қидиралиева исмли аёл отасининг васиятига кўра, оммавий қабр жойини Қирғизистон давлат хавфсизлик ташкилотига маълум қилган. 1991 йил ёзида

Агабий дўстлик — абадий дўстлик



ТАФАККУРНИ УЙҒОТУВЧИ БЕШИК

олиб борилган қазимша ишлари натижа-сида шаҳид кетганларнинг жон ва шахсий буюмлари топилади. 1991 йил 30 августда улар ушбу ҳудудда қайта дафн этилади. Шаҳид кетганлар сафиде улуг адиб Чингиз Айтматовнинг отаси — Тўрақул Айтматов ҳам бўлган. Кейинчалик 2000 йилда бу ерда мемориал мажмуа барпо этилади.

Шу маънода, “Ота бейит” шунчаки қабристон эмас, балки тарихий ҳақиқат ва адолат тикланган маскандир. Қирғизистон-га ташриф буюрадиган хорижий давлат раҳбарлари, дипломатлар ва расмий делегациялар ушбу мажмуага келиб, қурбонлар хотирасига ҳурмат бажо келтиради. Бишкекка йўли тушган зиёли борки, бу жойини, албатта, зиёрат қилади. Шунингдек, 8 ноябрь Қирғизистонда Тарих ва аждодларни хотириш куни этиб белгиланган. Шу муносабат билан бу ерда давлат даражасидаги тадбирлар ўтказилади ва ўтганлар ҳақида дуоно хайрлар, тиловатлар қилинади. Биз ҳам бу маскани зиёрат қилар эканмиз, ҳаёлимиздан ўзимиздаги “Шаҳидлар хотираси” майдони, шўро қатағони қурбони бўлган ўзбекнинг гул фарзандлари Абдулла Қодирйи, Абдулҳамид Қўлонов, Тавалло, Мунавварқори Абдурашидхон сингари улуғлар ўтди.

Қирғизистон халқ шоири Ҳўжагелди Қуттегин 1991 йилга қадр Чингиз Айтматов ҳам отаси қабри қаерда эканини



билмаганини, кейинчалик устоз адиб ҳам ўз васиятига кўра шу ерга қўйилганини изтироб билан ҳикоя қилиб берди. Форум аввалида ташкил этилган бу маҳзун зиёрат қалбимизни ўргатгани рост. Бироқ бир таскин ҳам борки, бутун уларнинг қабри топилиди. Мустабид тузумнинг зулморқ қилмиши фож бўлди. Мустақил-лик незматини асраб-авайлаш учун бундай азиз туپроқларни зиёрат қилиш энг улуг ибратдир.

Қирғизистон дурдонаси

Айтматов асарлари орқали танганим — Иссиқкўлни кўриш болалиқдан катта орзум эди. Бугун бунга ўз кўзларим билан кўриб турирман. Ёзувчи тасвирлаганича бор экан. Мусаффо осмон, у ер-бу ерида оппоқ паркку булултар, оқ сочили тоғ чўққилари ва уларнинг бағрида сирли равишда мавжланиб турган зангори қўл... Йўғ-э, денгиз... Иссиқкўл денгиз! Ўзининг мўътадил, ёқимли иклими, мусаффо ҳавоси ва қайноқ соҳиллари билан дунёга танилган, баланд тоғлар бағридаги улкан сув ҳавзаси бутунги кунда минтақаимиз аҳолиси, хусусан, юртдошларимиз учун севибли дам олиш масканларидан бирига айланган улғурди. Сафар давомиде бир қанча ватандошларимиз билан суҳбатлашдик. Қирғизлар Иссиқкўлни “Қирғизистон дурдонаси” дейишади. Менга қолса бу жойини “Марказий Осиё дурдонаси” деб атаган бўлардим.

Иссиқкўл денгиз сатҳидан 1607 метр баландликда, Тяньшань тоғ тизмалари бағрида жойлашган. У дунёдаги энг йирик баланд тоғ кўллари рўйхатида Жанубий

Америкадаги Титикака кўлидан кейин иккинчи ўринда туради. Узунлиги 182 километр, кенлиги қарий 68 километри ташкил этади. Ушбу улкан ҳавзанинг энг чуқур жойи 668 метрга етади.

Сув таркибиде туз миқдори юқорилиги ҳамда улкан сув ҳажми сабабли Иссиқкўл қаҳратон совуқда ҳам музламайди. Иссиқкўл номи шундан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас. Унга юздан ортиқ катта-кичик тоғ дарёси қуйилса-да, бирортаси оқиб чиқмайди. Бу эса кўлнинг ўзига хос табиий софлиги, озодаллигини ва сувининг ниҳоятда тинч бўлишини таъминлайди.

Хўллас, бу бетакрор табиат мўъжизасини кўриб, улуг адиб Чингиз Айтматов анжуман ўтказиш учун бежиз Иссиқкўл бўйларини танламаганига амин бўлдим.

Дунё зиёлиларини бирлаштирган майдон

Иссиқкўл фақат сайёҳлик маскани эмас, балки дунё зиёлиларини бирлаштириб келатган улкан маърифат-маънавият, фикр-мулоҳаза, таклиф-ташаббус майдони ҳамдир. Бундан роппа-роса 40 йил аввал, 1986 йилда дунёга машҳур қирғиз адиби ва мутафаккири Чингиз Айтматов ташаббус билан биринчи Иссиқкўл халқроқ форуми ташкил



этилан эди. У пайларда собиқ советлар мамлакатаи ҳукм сўриб турган, қизил шўро таркибидеги республикалар бир қадаргина енгил нафас олишни бошлаган паллалар бўлган. Аммо жолов собиқ шўро ҳукумати қўлида бўлган. Шу маънода, бу форум Чингиз Айтматовнинг ҳақиқий маънадаги жасорати маҳсулидир.

Биринчи учрашувдаёқ форум дунёнинг энг таниқли шоир, ёзувчи, драматург, олим ва санъаткорлари бошини бириктирган. Айтматовнинг шахсий таклифи билан дунёнинг 17 машҳур зиёлиси анжуманда иштирок этган. Булар орасида Нобель мукофоти соҳиби Клод Симон, машҳур адиблар Артур Миллер, Жеймс Болдуин, Яшар Камол, машҳур актёр, драматург ва режиссёр Питер Устинов бўлган. Анжуман ҳақида Чингиз Айтматов “**Биз Иссиқкўл қирғоқларида шунчаки дийдорлашимиз учун эмас, балки сайёрамиз тақдир ҳақида фикр юритиш, янгила фикрлаш маданиятини яратиш ва инсониятни маънавий ҳалокатдан қутқариш йўллариини биргаликда излаш учун йигилдик. Бу кўл дунё тафаккурини уйғотувчи бешиқдир**” деган эди.

Орадан 11 йил ўтиб, 1997 йилда яна Иссиқкўл форуми бўлиб ўтди. Бу тадбир ҳам Айтматовнинг ўзи бош бўлди. Анжуманда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош қотиби, испаниялик олим ва ёзувчи Федерико Майор, машҳур сиёсатчи Михаил Горбачёв, атоқли шоир ва ёзувчилар Евгений Евтушенко, Муктор

Шаханов, ҳабашистонлик машҳур расмон ва ҳайкалтарош Афевекр Текле фаол иштирок этган. Ўзбекистондан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Тўлебергел Қайипбергелов, атоқли ўзбек адиблари Аҳмад Аъзам, Салим Ашур, Амirkул Карим қатнашган.

2018 йил бўлиб ўтган Иссиқкўл халқроқ форуми улуг адиб Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган эди. Мазкур анжуманда дунёнинг 25 давлатидан 155 нафар таниқли ёзувчи, олим ва жамоат арбоби иштирок этган.

Қозоқ шеърятининг ёрқин намоёндаларидан бири Ўлжас Сулаймонов, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим, таржимон Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, айтматовшунос олим Аҳмаджон Мелиёв, филологлар фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев каби атоқли адиб ва олимлар иштироки ўз вақтида форум нуфузини оширишга хизмат қилган деб айтишимиз мумкин.

Биргаликда келажак сари

Жорий йилнинг 18-21 июнь кунлари Иссиқкўл халқроқ форумининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Бу йилги тадбир “Дунё тамаддуни бўрилиш палласида: биргаликда келажак сари” шiori остида иқлим инқирози, сув тақчиллиги, халқроқ макорликни мустаҳкамлаш ва сўний интелект (AI) асрида умуминсоний қадриятларни асраб-авайлашга бағишланди. Анжуманини Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров очиб берди. Форум ҳамиша атоқли давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, адабиёт ва санъат намоёндаларини ўз атрафида бирлаштириб келган. Анжуманда 17 мамлакатдан саксондан ортиқ вакил иштирок этди. Ўзбекистондан ҳам нуфузли делегация қатнашди.

Бу галги Иссиқкўл форумида қатор масалалар кун тартибига қўйилди. Ушбу юбилей форуми кунинда тадбирчи ҳар тўрт йилда бир марта анъанавий тарзда ўтказиш, ёш олимлар ва илланучиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Чингиз Айтматов номидаги халқроқ стипендия жорий этиш, БМТга Иссиқкўл форумига халқроқ маком бериш ҳамда уни глобал гуманизм, ядросиз ва хавфсиз дунё гоиларини илгари сурришга хизмат қилувчи ҳамкор тузилмалар қаторига киритиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида мурожаат этиш каби ташаббуслар бўйича махсус резолюция қабул қилинди.

Нуфузли анжуманда адабиёт йўналишидаги Нобель мукофоти соҳиби, хитойлик машҳур адиб Мо Ян ҳам иштирок этиб, форумнинг тарихий мақомига юқори баҳо берди: “Айтматов асос солган бу форум инсоният ўзини англаш учун дунёга очилган бетакрор кўзгудир. Иссиқкўлнинг соф суви бизга глобал экологик ва технологик инқирозлар даврида қалбимизни тоза сақлашни эслатиб туради”.

Анжуманда бу каби фикр-мулоҳазалар қўллаб иштирокчилар томонидан айтилди. Ҳикматмонанд сўзларни тинглаб, бир мулоҳазага борасан киши: адабиёт доимо қалбларни бирлаштириб, қалқиб турган дунёда эзгулик мангу эканини эслатиб туради. Тинчлик, умуминсоний қадриятларни асраб-авайлашни онгу шуруминизга синдиради.

Ана шундай хайрли эътирофлар кўнгилдан кечар экан, кечинмаларинг беихтиёр тилинганга қўчади: адабиёт — буюк мўъжиза! Адабиёт — буюк қудрат! Яшасин адабиёт!..

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2026 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.

30166 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 01:30 Топширилди — 01:45



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБОСИДА Ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

